КУТУБХОНАСИ




БОБУР ИЖОДИДА ВАТАН ТУЙҒУСИ — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? — 6-бет

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ — 8-бет



ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 31 (10.084) / 2004 ЙИЛ 13 ФЕВРАЛЬ


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида Тошкент шаҳри ва туманлар партия ташкилотларининг кенгаш аъзолари учун семинар-тренинг ўтказилди.

● **БУГУН** ишбилармонлар ва тадбиркорлар ўртасида ташкил этилаётган «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг туман босқичи Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Чилонзор, Ҳамза туманларида бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Муқимий номидаги мусиқали драма театрида Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллигига бағишланган навоийхонлик кечаси ўтказилди. Ушбу тадбир Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ** ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўтказилган «Маънавият куни» буюк аллома Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганишга бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ишбилармон аёллар уюшмасида тадбиркорликни ривожлантиришда аёлларнинг роли масаласига бағишлаб уюштирилган тадбирда Россиядан ташриф буюрган ишбилармон аёллар ҳам иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** банк коллежида ўқувчилар иштирокида Навоий ва Бобур ғазаллари асосида тайёрланган кеча «Назм ва наво» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



**«ТЭК и К» масъулияти чекланган жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати билан ажралиб туради.**

**СУРАТДА: корхонанинг ёш фрезерловчиси Олимжон Мирзалиев иш устида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## ЯНГИ КОМПАНИЯ ТАҚДИМОТИ

***Пойтахтимизда Германиянинг «Sennebogen Maschinenfabrik GmbH» компаниясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. У Марказий Осиёда Германия машинасозлик корхоналари уюшмаси бюроси томонидан «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

— Ўзбекистон Германиянинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим стратегик ҳамкори ҳисобланади, — деди Германия иқтисодиётининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Й.Хетч. — Мазкур воқеа Германия фирма ва компанияларининг узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини яна бир бор исботлайди.

1952 йилда ташкил этилган «Sennebogen Maschinenfabrik GmbH» компанияси Европада юк кўтариш техникалари ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Компания ўзиюрар, занжирли, телескопик ва порт юк кўтаргичлари, шунингдек, канатли ва универсал экскаваторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

## *Сим орқали мулоқот*

***Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъатининг 2003 йил фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган сим орқали мулоқоти бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов бошқарди.

Ўтган йил ахборот технологияларини иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўллаш ва халқаро ахборот жамиятига киришда қулай шароитлар яратилган. Компьютер тизимлари билан аҳолини таъминлаш борасида яратилган имтиёзлар эвазига ўтган йилда улар импорти божхона тўловларининг айрим турларидан озод этилган.

Шу йил 1 январга қадар ҳудудларни рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси шаҳарларда 86 фоиз, туман марказларида эса 33 фоизга етди. Телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиш даражаси қишлоқ пунктларида 71,9 фоизни, интернетга уланиш эса ўтган йилга нисбатан 109,8 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда агентлик фаолиятида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни бартараф этиш, кадрлар тайёрлаш ишларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2003 йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида икки йиллик инновация лойиҳаларини амалга ошириш якунларига бағишланган семинар ўтказилди.**

● **Тошкентда Марказий Европадаги энг йирик биржалардан бири — Варшава товар биржаси ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси ўртасида ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди.**

● **Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти кенгашида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.**

● **Республика моделлар уйи мусаввир-модельерлари иштирокида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учувчилари ва парвоз бекаларининг янги хизмат кийимлари ишлаб чиқилмоқда.**

● **Олмаликда боғ ва хиёбонлар, катта йўллар атрофларига дарахт кўчатлари ва гулларни ўтказиш ишлари бошланди. Режага кўра Наврўз байрамига қадар шаҳарга 30-35 мингта дарахт ва 1 миллион туп гуллар экилиши мўлжалланмоқда.**

● **Наманган вилоят божхона бошқармасида ташкил этилган очиқ мулоқот тадбиркорларнинг шу соҳага оид мавжуд қонунларни пухта ўрганиши масалаларига бағишланди.**

### Жаҳонда

● **АҚШнинг Марказий Разведка бошқармаси Ироқда оммавий қирғин қуроллари мавжудлиги тўғрисида маълумот берганлар учун мукофот эълон қилди. Ушбу йўналиш «Ироқликларнинг мукофот дастури» деб номланган.**

● **Гаага трибунали томонидан қидирилаётган ҳарбий жиноятчи — собиқ Босния серблари етакчиси Радован Караджичнинг Белградда яшириниб юрганлиги маълум бўлди. У биринчи рақамли ҳарбий жиноятчи ҳисобланиб, минглаб серб мусулмонларини қириб ташлаганликда айбланмоқда.**

● **Хитойнинг Шанси провинциясида қайта таъмирланаётган объектларнинг бирида радиоактив цезий —137 солинган контейнер йўқолди. Маҳаллий маъмуриятнинг тахминича, контейнер металл тўпловчиларнинг хатоси туфайли ўғирланган бўлиши мумкин.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Корхонада меҳнат қилаётган ходимнинг иш ҳақидан қайси ҳолларда унинг розилигисиз ушлаб қолиниши мумкин?**

**С. Ғаниева, ўқитувчи**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 164-моддасига асосан унинг ёзма равишдаги розилиги бўлган тақдирда ойлик маошидан ушлаб қолиш мумкин. Ходимнинг ёзма равишдаги розилиги бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар қуйидаги ҳолларда меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади.

Амалдаги қонунчилик бўйича белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш учун;

Суднинг қарорлари ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш учун;

Иш ҳақи ҳисобидан ортиқча берилган авансни ва хизмат сафари муносабати билан берилган ҳамда сарфланмай қолган пул маблағини ушлаб қолиш учун;

Аванс тариқасида берилган йиллик таътил даврини тўлиқ ишлаб бўлмасдан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ишлаб берилмаган кунлар учун тўланган пул миқдорини ушлаб қолиш мақсадида;

Ходим томонидан иш берувчига унинг бир ойлик маошидан кўпроқ миқдорида етказилган зарарни ундириши учун;

Ходим томонидан айбли ҳаракатлар содир этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181-моддаси 1- қисми 2-бандида кўрсатиб ўтилган жаримани ундириш учун.

Ходимнинг меҳнат ҳақидан унинг розилигисиз ушлаб қолишнинг асосий шартларидан бири, бу ҳар сафар ойлик маошни тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган пул миқдори ходим ойлик маошининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

***

**Маълумки, одам тириклигини таъминловчи асосий озуқа қон ҳисобланади. Айрим инсонларнинг камқонлик дардига чалингани ҳақида эшитиб қоламиз. Камқонлик касалига учраган беморлар учун энг осон табиий даво воситалари борми? Бўлса у нималардан иборат?**

**Ф. Шокирова, ҳамшира.**

Камқонлик, дармонсизлик ёхуд кўп қон йўқотиш оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Камқонлик (анемия) нафақат лозим бўлган тўйимли озуқаларни истеъмол қилмаслик, балки заҳарли моддалардан заҳарланиш, сурункали сепсис, безгак каби касалликлар оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин.

Анемия касаллиги қоннинг ҳажм бирлигида эритроцитлар ёки гемоглобинлар сонининг камайиб кетишидан келиб чиқади. Камқонликда асосан тўйимли, оқсилга бой маҳсулотлардан гўшт, тухум, сузма, дармондориларга бой табиат неъматлари билан озиқланиш тавсия этилади. Камқонлик билан хасталанган беморнинг овқатлари таркибига қон ҳосил қилувчи моддаларни сақлайдиган сабзавот, резавор ва меваларни киритиш лозим бўлади.

Бу вақтда сиркадан фойдаланмаслик лозим. Чунки оқ сирка қизил қон таначаларини парчалаш хусусиятига эга.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 521 йиллигига*

# ШОИР ИЖОДИДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

***Бобур 1483 йилда 14 февралда Андижоннинг Ахси деган кентида туғилган ва Фарғона ҳукмдори Умаршайх (ибн Абусаид Ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Темур Кўрагон) ўғли бўлган. Отаси вафотидан сўнг 11-12 ёшларида тахтга ўтирган. Бобур даври сиёсий воқеаларга бой, мураккаб, зиддиятли ҳодисаларга тўла эди. Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ана шу воқеълик, ундаги ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, унинг тақдирини кўп жиҳатдан белгилаб берган эди.***



Шулар тақозоси билан Бобур 19 ёшида она юртини тарк этиб, Кобулга йўлланади ва уни 1504 йилда эгаллайди. То 1525 йилга қадар Мовароуннаҳрни қўлга киритиш учун бир неча марта жаҳд қилади, лекин муваффақият қозона олмайди. Жиддий ҳозирлик кўриб Ҳиндистон юришини бошлайди ва 1525 йили Деҳли кейин Аграни забт этиб, Шимолий Ҳиндистонда ўз ҳокимиятини ўрнатади. Бобурийлар Ҳиндистонда инглизлар келгунга қадар ҳукмронлик қиладилар.

Бобур шеърий девон, «Бобурнома», «Мубаййин», «Аруз рисоласи» ва бошқа бир қатор асарлар ижодкоридир.

Бобурнинг лирик шеърлари ҳаётга ғоят яқин. Улар юрак тафти ва руҳияти, дардлар, армонлар билан йўғрилган. Шоирнинг ҳар бир ғазалида унинг табиатининг бирор чизгиси, шахсиятининг ёрқин бир қирраси ўз аксини топгандир. Ғазалларида ошиқона адолар, фикрнинг тиниқлиги, ҳаётсеварлик, табиат гўзалликларидан завқланиш ғоят самимий баён этилади.

Ватан мавзуи Бобур шеъриятининг марказий мавзуларидандир. Сиёсий воқеалар тақозоси билан Ватанидан узоқларда қолиб кетган шоир яна диёрининг ранг-баранг тимсолларини топади. Уни ўз соғинчлари, руҳий кечинмаларида баён этади. Бобур Хўтан гўзалида ҳам, озод сарв дарахтида ҳам Ватани рамзини кўргандек бўлади. Соғинч ҳислари тўлиб тошади.

**Улки йиллар, ойлар ўтказган ғаму**
**мотам била,**
**Шоду хуррам бўлмағай наврўз ила,**
**байрам била.**
**Улки давроннинг аёғидан дамодам**
**қон ютар,**
**Нашъа топмас гар ичар ҳар давр**
**жоми жам била.**
**Дема, эй ҳамдам, диёру ёр**
**сўзинким, менинг,**
**Улфатим йўқ олам аҳли бирла,**
**бал олам била.**
**Сендин айру найлагайман ийд ила**
**наврўзни,**
**Ою йил хуштур сенинг бирла**
**агар бўлсам била.**
**Тортиб афғон, оҳ уруб ҳижронда**
**Бобур, йиғласанг,**
**Навҳа тузгай базми ғам аҳли бу**
**зеру бам била.**

Бобур рубоийларида ҳам Ватан туйғуси, алам, ўкинч, армон ҳасратлари таралади:

**Толъе йўқи жонимға балолиғ бўлди.**
**Ҳар ишники, айладим хатолиғ бўлди.**
**Ўз ерни қўюб Ҳинд сори юзландим.**
**Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.**

Бобур Ҳинд заминида бу диёрнинг равнақи учун зарур бўлган ижобий ўзгаришларни амалга оширишга киришди. Бунда у сиёсий бирлик масаласига жиддий эътибор билан қаради.

Иқтисодий ва маданий ўзгаришларни режалади, «Бобурнома»да булар тўғрисида жуда кўп ва маънодор маълумотлар мавжуд.

Бобур яна бир рубоийсида :

**Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,**
**Бир лаҳзаю, бир нафас қарорим**
**йўқтур.**
**Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,**
**Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.**

Шоир бундай чорасизликнинг, ноиложликнинг манбаини замона норасоликлари, даврон носозликларида деб билади ва аччиқ ўкинч билан:

**Даврон мени ўткарди сарусомондин,**
**Айирди бир йўли мени хонумондин.**
**Гоҳ бошима тож, гоҳ балои таъна,**
**Неларки бошимға келмади даврондин.**

Бобурдаги бундай кайфиятнинг чуқур фалсафий изоҳи бор. Зотан, ҳаётни беҳад севадиган ва ҳаётнинг завқ-шавқини бир сония ҳам тарк этишни истамаган, лекин ҳаётнинг буқаламунлигини, унинг завқ-шавқининг умри қисқалигини теран идрок этадиган одам учун бу табиий ҳолат, табиий кайфият.

Дейдиларки, шоирлар эл дардини ҳам, шодлигини ҳам оддий одамларга нисбатан кенгроқ, чуқурроқ ҳис қилар эмишлар. Бобур сиймосида буни яққол кўрамиз.

«Бобурнома» ўз муаллифи номини абадий қилган, ҳаётнинг қарийб барча соҳасини қамраб олган тарихий асар бўлиб, инглиз, француз, немис, голланд, япон, араб, рус, форс тилларига таржима қилинган. Асарда фақат жангу жадаллар тафсилоти эмас, балки адабий-бадиий маълумотлар, илм-фан, табиат, расм-русумлар ва кўп бошқа масалалар ўз аксини топгандир.

Бобурнинг аруз ҳақидаги, «Мубаййин» номли асари, Хожа Аҳрор «Волидия»сининг таржимаси муаллифнинг серқирра ижоди намуналаридир.

Бобурнинг фарзандлари, авлодлари унинг давлатни идора этиш соҳасини, ижодиёти йўналишларини, илм-фан, адабиётга ҳомийлик фаолиятини давом эттирганлар. Унинг қизи Гулбаданбегим тарихнавис бўлган. Ҳумоюн, Комрон, Акбар, Муҳаммад Ҳаким Мирзо, Жаҳонгиршоҳ, Зебуннисо бегим, Муҳаммад Доро Шукуҳ ва бошқалар бадиий ижодкор, мусиқа билимдонлари бўлганлар.

Ҳумоюннинг 4 рисоладан иборат, ўз қўли билан китобат қилинган (ислом аҳкомлари, аруз илми, мусиқа ва илми нужумга оид) мажмуасини Мутрибий, Самарқандий кўрган ва мутолаа қилган экан.

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби мумтоз адабиётимиз намояндаларини ёдга олиш маданий-адабий ҳаётимизда янги анъананинг равнақ топиб бораётганини кўрсатади. Худди шундай Машраб, Муқимий, Фурқат, Нодира, Увайсий, Амирий, Анбар Отинлар ижодиёти, ҳаётини халқимизга янада яқинлаштириш тадбирлари кун тартибига қўйилса айни муддао бўлур эди.

Бобур рубоийларидан бирида ёзган эди:

**Эй ел, бориб аҳбобға комимни**
**дегил,**
**Ҳар ким мени билса, бу каломимни**
**дегил.**
**Мендин демагил, гар унутулғон**
**бўлсам,**
**Ҳар кимки, мени сўрса, саломимни**
**дегил.**

Халқимиз маърифатпарвар, шеърдўст халқ, у ўзининг ижодкор фарзандларини унутмайди, уларни эъзозлайди.

**Суйима ҒАНИЕВА**

*Кўргазмалар*

# ШАРҚНИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймолари ва мероси Ўзбекистон рассомлари ижодида» мавзуида кўргазма очилди.***

Маълумки, мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 563, Камолиддин Беҳзод таваллудининг 549 ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 521 йиллигига бағишланган тадбирлар кўтаринкилик билан нишонланмоқда. XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг бошларида яшаб ижод этган миллий тарихимиз ва жаҳон мамлакатлари тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган бу буюк тарихий шахсларнинг бир даврда ижод этганлари ушбу кўргазмани ташкил этишда туртки бўлди. Уларнинг ижодини бирлаштирувчи хусусиятлардан яна бири шуки, улар Темурийлар даври маданияти намояндаларидандир.

Бобокалонимиз Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси, шоир, олим ҳамда давлат арбоби бўлган. Унинг маданиятимиз тарихида ўзига хос ўрни бор. Ушбу кўргазмада кўплаб миниатюрачи рассомлар Алишер Навоий ижодига, ҳаётига мурожаат қилганлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 2002 йили Президентимиз ташаббуслари билан Камолиддин Беҳзод боғ-музейи расмий ташкилот сифатида қайд қилиниб, ўз фаолиятини бошлаган эди. Мазкур янги очилган кўргазманинг ташкилотчилари ҳам ушбу музей ходимларидир.

Тарихда, бадиий адабиётда ўчмас из қолдирган мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг мураккаб ҳаёти ва ёрқин ижоди билан Ўзбекистон ҳамда қўшни мамлакатлар тарихини, тақдирини бирлаштириб турган. Унинг «Воқеоти Бобурнома», «Мубаййин ал-закот», «Ҳарб иши», «Мухтасар» каби асарлари жуда катта шуҳрат қозонган.

Бу буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижоди рассомларимиз учун илҳом манбаи, ибрат мактабидир.

Ушбу кўргазмада юқоридаги тарихий шахслар образларини, ижодини таниқли рассомлар Темур Саъдуллаев, Содиқ Раҳмонов, Раҳимжон Ризамуҳамедов, Муҳаммад Фозиловлар ўз асарларида халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги, нақкошлик, миниатюра, тасвирий санъат асарларида ёрқин акс эттирганлар. Шунингдек, кўргазмада ўзбек маданияти намуналари ҳисобланмиш қўлёзмалар, тош босма китоблар намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан 150 дан ортиқ асарлар ўрин олган бўлиб, улар орасида айниқса Содиқ Раҳмоновнинг «Навоий билан Ҳусайн Бойқаро», «Навоий ва шўх қизлар», Раҳимжон Ризамуҳамедовнинг «Умр якуни» ( Алишер Навоий ), Муҳаммад Фозиловнинг «Буюк Навоий», Темур Саъдуллаевнинг «Етти гўзал», «Най ва май» ҳамда «Бобур», «Навоий ва Беҳзод» асарлари эътиборга лойиқдир.

**Юлдуз УСМОН**



**СУРАТДА:** кўргазмадан лавҳа.

**В.Гранкин олган сурат**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлар...

● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир; кимдаки шу фазилатга эга экан, у ғурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

● Хатарни қўрқмай бартараф этиш эмас, балки уни юзма-юз қарши олиш мардликдир.

● Давлатингдан айрилсанг кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангни йўқотасан.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтади: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўйувчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Ҳикоят: зўравонлик камарини белига боғлаб, ўзига ўнта келадиган чигирткани кўтариб кетаётган бир чумолини кўрдилар. Таажжуб билан айтдилар:

— Бу чумолини кўринг, шу қадар кучсиз бўлгани ҳолда бунчалик оғир юкни ташимоқда.

Чумоли бу сўзни эшитиб кулди ва:

— Мардлар юкини гавда куввати ва тан салобати билан эмас, ҳиммат кучи ва бирлик билаги билан ташийдилар, — деди.

Байт:

**Агар доно бир иш**
**чиқмаса дунёда донодан,**
**У нодонлар билан тенг**
**ўтса мумкин ушбу дунёдан.**

● Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Донишманд — баққолнинг дўконига ўхшайди, борини индамайгина кўрсатади — кўяди; нодон эса лашкар ноғорасининг ўзи: овози баланду, ичи бўмбўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради, телба-нодон одам эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида; телба-нодонда бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир.

● Фақат нодонларгина кулмай яшайдилар.

● Ҳақиқатга асосланган истеҳзо қалбга наштардек санчилади.

# МИЖОЗЛАР ИШОНЧИНИ ҚОЗОНМОҚДА

***«KAPITAL-BANK» бугунги кунда WESTERN UNION тизимида ўтказилган транзакциялар кўрсаткичи бўйича етакчи ўринни эгаллаб турибди. Ўтган йил давомида банк Ўзбекистонга 8 миллион АҚШ долларидан ортиқ валюта келиб тушишини таъминлади.***

Ушбу соҳада тобора ривожланиб бораётган рақобат банкларга хизматлар тўпламини такомиллаштиришга доир янги вазифалар юкламоқда. 2003 йил охирида «KAPITAL-BANK» томонидан «Аския» бозори ҳудудида очилган «Аския» чакана хизматлар кўрсатиш марказига мурожаат қилган уч мингинчи мижозга тантанали равишда сертификат топширилган эди.

Банк мутахассисларининг сўзларига кўра, улар мижозлар билан имкон қадар самарали ишлашга интилмоқда. Чакана хизматлар кўрсатиш тармоғини кенгайтириш мақсадида ҳозир фаолият кўрсатаётган «Аския» ва «Юнусобод» марказларига қўшимча тарзда яна иккита - «Буюк Ипак йўли» метроси яқинида «Саёҳат» марказини ва «Кадишев» бозори ҳудудида шу номдаги марказ очилди.

Чакана хизматлар кўрсатиш марказларини ривожлантиришга оид банк лойиҳаси молия соҳасидаги жаҳон тажрибасига қаратилган. Мутахассислар томонидан ахборот технологиялари, маркетинг, банк жараёнларини ташкил этиш ва ходимларни бошқариш соҳасидаги энг илғор ютуқлар ўрганилди.

Мавқени сақлаш ва муваффақиятли иқтисодий фаолиятни ривожлантириш учун банкка малакали кадрлар керак. Айнан улар банкнинг самарали ишлашини таъминлайди. Яхши менежер банк билан ҳамкорлик қилишнинг барча афзалликларини очиб бериши, ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, иш юритиш коммуникацияси кўникмаларига эга бўлиши, мижозлар эътибори ва ишончини қозониши лозим.

Банк ҳамфикрлар жамоасини яратиш учун ички корпоратив PR сиёсатини юритмоқда. Январь ойи якунларига кўра, «KAPITAL-BANK»нинг чакана бизнес департаменти фаолияти холисона баҳоланди. Банкнинг пул ўтказиш тизими мутахассиси Муниса Зоҳидова январь ойининг «Энг яхши мутахассиси» номига сазовор бўлди.

«Юнусобод» чакана хизматлар кўрсатиш маркази эса «Энг яхши чакана хизматлар кўрсатиш маркази» сертификатига эга бўлди. Бугун ушбу марказ пойтахтимиздаги WESTERN UNION тизимининг асосий марказларидан бири саналади. Шаҳарнинг энг аҳоли гавжум туманларидан бири жойлашган бу марказ Юнусобод тумани аҳолисига банк хизматлари муаммосини ҳал этиш имконини беради. Бу - банк бизнесини такомиллаштиришнинг яққол мисолидир.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ҚАДР

Машина баҳона бўлдию, Қодир ота қадрдон автокорхонасига борди. Ичкарига кириши билан қалбидан қуёш чиққандек бўлди. Отанинг кўзига бу ердаги ҳамма нарса ўзгача, гаштли кўринди. Гўё шу икки йил ичида корхона бутунлай ўзгариб кетгандек. Бир зумда отанинг атрофини дўстлари, шогирдлари ўраб олишди.

Хув ана, пастаккина бостирма тагида турган машина уники эди. Ота уни фарзандидек авайларди. Бўш қолдими, артиб-тозаларди, мойларди. Ҳайдовчиларнинг ҳаммаси ундан ўрнак олишарди. Ота ҳамма билан дилкаш ва самимий эди. Лекин ким машинасини қаровсиз қолдирса аяб ўтирмасди. Боплаб танбеҳ берарди.

У ўз машинаси ёнига келди. Рулда ўтириб эндигина машина моторини ўт олдирган йигит бир зум отага тикилиб қолди-да, сўнг чаққон кабинадан тушиб, у билан қучоқлашиб кўришди.

Кечагидек эсида. Бундан икки йил муқаддам бутун корхона аҳли отани иззат-икром билан қариликка таътилига узатганида у ўзининг энг кенжа шогирди, мана шу норғул йигит Муроджонга қадрдон машинасини топширар экан, шундай деган эди:

— Уни севиб, авайладим, у менга ҳурмат ва обрў келтирди. Сен ҳам астойдил севиб, ардоқласанг кам бўлмайсан.

Ота бугун кўрсаки, шогирди чиндан ҳам унинг сўзига амал қилибди. Машинаси ойнадек ярақлаб турибди. Гараждан унинг кўнгли тоғдек кўтарилиб чиқди. Барака топишсин азаматлар. Шундай марду майдонлар билан доим ишинг олдинга босади. У шу хаёл билан бошлиқ қабулхонасига кириб борганини билмай қолди. Эндигина хона эшиги тутқичига қўл узатган эди котиба қиз уни тўхтатди.

— Мумкин эмас. Салим Каримович бандлар. Телефонда гаплашяптилар. Ўтириб туринг.

Ота бурчакдаги стулда ўтириб, 15 дақиқа кутди. Ярим соат ҳам ўтди, энди у тоқатсизлана бошлади.

— Қизим, бошлиқда зарур ишим бор эди. Қодир ота келибди десанг бас, ҳар қандай юмуши бўлса ҳам қабул қилаверади.

Котиба унга чимирилиб қаради. Сўнг ижирғаниб зўр-базўр ўрнидан турди-да бошлиқ ҳузурига кириб кетди.

— Кираркансиз, — деди у эшикдан чиқаркан истар-истамас.

Ота қаддини ростлади. Шахд ичкари кирди.

— Ассалому алайкум, болам,— у бошлиқ билан қўл беришиб кўришишга ошиқди. Салим Каримович креслога ястанганича пинагини бузмай ота билан кўришди.

— Ё, тавба танимадими? «Наҳот шунчалик ўзгариб, қариб кетган бўлсам», хаёлидан ўтказди Қодир ота. Бошлиқ оҳиста «Келинг», деди-да, бармоқлари билан столни чертди.

— Сизларни соғиниб, кўргани келдим, болам. Қалай, хизматлар яхши кетяптими, чарчамаяпсизларми?

— Яхши. Сиз сўрагандан бери...

«Бу қандай муомала. Йўқ, у мени танимаяпти. Ахир атрофимда парвона бўлар эди. Танимади».

— Қариб қолибман шекилли, мени танимаяпсиз. Мен Қодир отангиз бўламан.

— Танидим, деди у столни янада қаттиқроқ чертиб.

Отанинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Бошлиқ кўзига анча тубан кўринди. У билан ортиқча гап сотиб ўтириш ноўринлигини сезиб, мақсадга ўтди.

— Эски уйимиз йўл баҳонаси билан бузилиб, янги «дом»га кўчмоқчи эдик. Ораси яқин. Шунга кўч-кўронларни ташиб олиш учун дам олиш куни битта машина билан ёрдам берармикансизлар, деб келувдим.

— Нима кўп, кўчада киракаш машиналар кўп. Хизмат ҳақини берсангиз бир зумда ишингиз битади, қўяди. Арзимаган иш учун шундан-шунга овора бўлиб келиб чакки қилибсиз.

Отанинг юзини совуқ тер босди. Келганига пушаймон бўлди-да индамай бошлиқ хонасини тарк этди.

У шу куни биринчи бор ўз қадрига йиғлади.

## ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА

Қодир ота ўзича йўл-йўлакай бошлиқ билан урушиб бораётган эди. Айниқса, унинг охирги сўзи отанинг кўнглига қаттиқ тегди. Нима эмиш, ишлаган бўлса меҳнатига яраша ҳақ олганмиш. Вой номард, уялмай-нетмай сиздақа пенсионерлар бизда кўп. Агар уларнинг ҳаммаси машина сўраб келаверса нима бўлади. Ўзингиз билосиз, бизда ҳам режа деган гап бор ахир, дейди-я.

Отанинг хаёлини ногаҳон йўлда учраб қолган ҳам маҳалласи, тенгқур дўсти Ёдгор ота бузди.

— Ҳа, Қодир, тинчликми?

Ота ёшлигидан бировлар устидан шикоят қилишни ёқтирмайди. Ёмонни ҳам, яхшини ҳам ўз ичига ютадию ўз ёғига ўзи қоврилади. Ғамига бошқаларни шерик қилишни истамайди. Ҳозир бор гапни дўстига тўкиб солиши мумкин эди. Лекин бундай қилмади. Унинг хурсанд кайфиятини бузгиси келмай мажбуран жилмайиб «Ўтган гапларни эслаётувдим», деб қўя қолди.

— Яхши одамларнинг садағаси кетсанг арзийди-да — Қодир. Буни қара.

У қандайдир бир телеграммани кўрсатди.

— Кимдан экан? Нима дебди? — шошиб сўради Қодир ота.

— Ишхонамдан

Бу сўзга қандайдир оҳанг ва урғу бериб, ғурур билан тилга олди Ёдгор ота.

— Туғилган куним билан табриклашибди. Туғилган кунимни ўзим билмайману, улар ҳар йили бу кунни эслашади. Ишхонамдан уч-тўрт киши келиб қутлаб кетишади. Ҳар байрамда табриклашади. Тантанали йиғилишларга таклиф қилишади. Тунов куни корхонамизда катта бир маросим бўлган эди, бордим. Бошлиқ «Сиз жамоамизнинг фахрий аъзосисиз» деса ҳаяжонланганимдан кўзимдан ёш чиқиб кетибди. Нима ёрдам керак бўлса беришади. Байрамларда ёлғизлатмай ҳолимдан хабар олиб туришади. Ахир, бир инсонга меҳр-оқибат бундан ортиқ бўладими?!

Қодир отани титроқ босди. Дўстининг бу гапи дард устига чипқон бўлди. «Ҳа, яхши одамлар кўп дунёда, пичирлади у. — Фақат сен керак бўлганингдагина бошингни силаб қолмай, қариганингда ҳам иззат-ҳурматингни жойига қўядиган минглаб, миллионлаб кишилар топилади. Садағаси кетсанг арзийди бундайларни. Ана буни одамгарчилик деса бўлади, Ана буни чинакам меҳр ва мурувват намунаси деса бўлади».

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Юқоридаги икки воқеа сабаб яқинда бир биродаримиз айтиб берган ҳикоятни эсладим.

Қадим замонда бир ғариб, камбағал одам, бир хасис мутакаббир, бойга эҳтиёжини арз қилиб ундан ёрдам сўрабди. Лекин одамгарчилик хислатидан бебаҳра бўлган қора кўнгилли, бағри тош бой ёрдам кўрсатиш ўрнига хизматчисига буюриб, у ғарибни қувлаб чиқарибди. Бечора ғариб маъюс бўлиб бойнинг уйидан чиқиб кетибди.

Нобакор бойнинг бу иши натижасиз қолмади. Замон ундан юз ўгирди. Ҳамма молу дунёсини қиморга бой бериб, йўқсил холга тушиб қолди. Ниҳоят гадойлик қилиб кун кечиришга мажбур бўлди. Унинг хизматчиси бошқа бир олийжаноб, сахий ва давлатманд одам уйида хизмат қила бошлади. У олийжаноб одам жуда ҳам кўнгли пок, шафқатли ва марҳаматли эди.

Бир кун кечкурун сахий одамнинг эшигини бир ғариб гадой очиб, ундан бир парча нон садақа қилишни сўради. Гадонинг юзлари очликдан оқарган эди. Оёқда зўр-базўр турарди. Сахий одам гадони кўриб хизматчисига:

—Бу дармондан ожиз одамга нон ва иссиқ овқат олиб чиқиб бер, кўнглини кўтар, — деди.

Хизматчи гадойга овқат олиб чиқиб бердию, дод-фарёд қилиб йиғлаб хожасининг ёнига келди. Сахий одам йиғи сабабини сўраган эди, хизматчи шундай жавоб берди.

— Бу гадой менинг аввалги жуда бой, бадавлат хожам экан. Замоннинг зайли билан бутун давлати кетиб, паришон ҳолга тушган. Унинг бугунги ҳолатини кўриб чидай олмай йиғлай бошладим.

Сахий одам айтди:

— Эй ўғил, бу залолат, тубанлик унга жафо эмас, ҳар ким ўзининг қилган ишига қараб мукофотини олади. Бу гадо ўша манфур бой, савдогар одам эмасми, жуда ғурур ва мутакаббирлигидан ҳеч кимни менсимас эди. Мен аввал унинг ҳозирги ҳолатида эдим. Бир кун унинг ёнига бориб садақа сўрадим. У сенга буюриб мени уйдан қувлаб чиқарди. Энди замон уни менинг ўша кунимга тушириб қўйди. Мени ғамдан халос этиб, бахт-саодатга етаклади. Уни эса гадо қилди.

Қилмиш-қидирмиш деган гап ҳақ. Инсон табиат яратган жонзотларнинг энг олийси ҳисобланаркан, унга ҳар қандай шароитда ҳам ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром ила қарамоғимиз лозим. Бу ўткинчи дунё тасодифларга тўла. Вақтики келиб биз ўзимиз ҳам оғир ҳолатга дуч келиб қолмоғимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Халқда мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўласан менингдек, деган гап бежиз айтилмаган.

# ШАХМАТ

## ҚОСИМЖОНОВ — СОВРИНДОР!

***Ҳамюртимиз халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов шахмат бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.***

— Рустам яқинда Нидерландиянинг Дордрехт шаҳрида ўтказилган гроссмейстерларнинг «Блиц марафон» турнирида қатнашди, - деди шахматчининг акаси Хуршид Қосимжонов ЎзА мухбирига. - Ушбу нуфузли мусобақада икки юз шахматчи дона сурди.

Ўттиз учта учрашувда 24,5 очко жамғарган Р.Қосимжонов фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Ҳамюртимиз биринчи ўринни қўлга киритган россиялик Алексей Древдан атиги бир очко ортда қолди.

Айни пайтда Рустам Қосимжонов Буюк Британияда ташкил этилиши режалаштирилган жаҳон чемпионатига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

«MIR USMONOV» хусусий фирмаси шу номдаги масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва у «MIR-USMONOV» хусусий фирмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

*ЗПЛИТИ очиқ акциядорлик жамияти ўзининг ЗПЛИТИ ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилаётганлигини маълум қилади. ЗПЛИТИ ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти унинг вориси бўлиб, ЗПЛИТИ очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча мажбуриятлари бўйича жавобгардир. Даъволар 46-65-51 телефони орқали қабул қилинади.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси томонидан «Давлат ва ҳуқуқ» журналига 1999 йил 4 майда берилган 00089 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2001 йилда Қибрай Энергетика коллежи томонидан Акбаева Хуснора номига берилган №314257 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Дўрмонда жойлашган янги, барча қулайликларга эга участка сотилади.
**Тел. 64-91-11.**

«Тошкент оқшоми» газетасига малакали саҳифаловчи (вёрсткачи)лар керак. 133-57-02 телефонига мурожаат қилинг.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Меҳр ва мурувват йилида*

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**

*“МЕҲРИБОНЛИК” деб аталган янги омонат турини таклиф этади*

*Даромад - йилига 37%!*

*омонатга пуллар 2004 йил 5 февралдан 15 мартга қадар қабул қилинади*
*сақлаш муддати — 6 ой*
*дастлабки ва қўшимча қўйилмаларнинг энг кам миқдори — 50000 сўм*
*фоизлар мижознинг истагига кўра қуйидаги шартларда тўланади:*
*- ҳисобварақа очиш чоғида бўнак (аванс) тарзида;*
*- ҳар ойда;*
*- депозит муддати тугаганидан сўнг уларни капиталлаштириб.*

NBU

**МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!**

**Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин**
**www.nbu.com**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHKENT
МБМ

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР !

*Банкрот бўлган «Янтак-Брит» Ққсининг мулклари Тошкент шаҳар муниципал биржа марказида аукцион ва биржа савдоларига қўйилган бўлиб, умумий қиймати 210 795 300 сўмга баҳоланиб савдога қўйилмоқда. Манфаатдор шахслар оммавий оферта воситасида ким ошди савдосига қатнашиш учун таклиф қилинади.*

*Оферта бўйича таклифлар Тошкент шаҳар муниципал биржа марказида, ушбу эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.*

*Келиб тушган оферта бўйича таклифлардан энг юқори нархни таклиф қилган шахс билан «Янтак-Брит» ҚК мулкининг олди-сотди шартномаси тузилади.*

*Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.*
*Телефонлар: 127-45-95, 132-25-51, факс: 133-20-74.; Сайт: www.tshmbm.uz;*
*Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz*

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*16 —22 февраль*

**Қўй** ( 21 март — 20 апрель) — Ушбу ҳафта ишда ўзингизни ҳар томонлама кўрсатишингиз мумкин. Сизнинг малакангиз ва фидойилигингиз атрофдагиларга ибрат бўлади. Бошлаган ишларингиз унумли кечади.

**Бузоқ** ( 21 апрель — 20 май) — Мақсад ва режаларингизнинг рўёбга чиқиш вақти келди. Ишларингизни орқага сурманг. Қўлга киритган ютуқларингизни яқинларингиз билан бўлишинг.

**Эгизаклар** ( 21 май — 21 июнь) — Бу ҳафта куч ва ғайратга тўлиб, янги мулоқотларга киришасиз. Ҳафта бирор жойда ўқиш, билим эгаллаш учун қулай фурсат. Келгуси режаларингиз ҳақида ўйлаб кўринг.

**Қисқичбақа** ( 22 июнь — 22 июль) — Баъзи оилавий муаммолар туфайли ишингиз унуми пасаяди. Ҳафта ўрталарида моддий аҳволингизни тиклаш имкони туғилади. Дам олиш куни яқин кишингизга совға харид қиласиз.

**Арслон** ( 23 июль — 23 август) — Улгурмаган ишларингизни ушбу ҳафтада бажаришингиз керак. Хато ва камчиликларингиз туфайли раҳбарлардан танбеҳ эшитасиз. Ўзингизни қўлга олинг.

**Паризод** ( 24 август — 23 сентябрь) — Охирги вақтда кўп ҳаракатда бўлиб, дам олишга фурсат топа олмайсиз. Бу соғлиғингизга путур етказиши мумкин. Соғлиғингизга жиддий эътибор қаратинг.

**Тарозу** ( 24 сентябрь — 23 октябрь) — Бу ҳафтада баъзи майда гап-сўзлардан асабий ҳолга тушасиз. Ҳафта ўрталарида сиздан ирода ва бардош талаб этилади. Чуқур мулоҳаза билан иш тутинг.

**Чаён** ( 24 октябрь — ноябрь) — Ҳафта қизиқарли учрашувларга бой бўлади ва унутилмас дамлар бошланади. Ҳиссиётларга берилиб кетманг. Акс ҳолда ишларингиз орқага кетиши мумкин.

**Ўқотар** ( 23 ноябрь — 21 декабрь) — Ўқотарлар иродали ва меҳнаткашлиги туфайли барча тўсиқларни енгиб ўтадилар. Бироқ икки қоидага амал қилишлари лозим: — атрофингиздагилар ва бошлиқлар билан кескин тортишувлардан эҳтиёт бўлинг.

**Тоғ эчкиси** ( 21 декабрь — 20 январь) — Кўзлаган мақсадингизга эришадиган вақт келди. Фақат бошлаган ишингизни охирига етказинг, шошилишнинг ўрни эмас.

**Қовға** ( 21 январь — 19 февраль) — Ҳафта воқеаларга бой бўлади. Қандайдир воқеа туфайли оилавий ҳаётингизда ўзгариш бўлиши эҳтимол. Якшанба куни яхши хушхабар эшитасиз.

**Балиқ** ( 20 февраль — 20 март) — Ушбу ҳафта ишингизда ўзгариш ва янгиланиш рўй беради. Ўйламасдан иш бошламанг, ҳафтангиз мўъжизаларга бой бўлади. Руҳий тушкунликка тушмай, яқинларингиз мададига суянинг.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Яккасарой туманининг Усмон Носир кўчасида жойлашган «Жанубий» вокзал олдида, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида истиқомат қилувчи С.Дониёр исмли йигит ҳам ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилиб, назоратдан ўтказилганида, унинг қўлидаги сумкасида 104, 83 грамм марихуана моддаси борлиги аниқланди. Мазкур жиноий иш юзасидан ҳам ИИБ тергов бўлимида суриштирув ишлари давом этмоқда.

● Жамият равнақига раҳна соладиган жиноят турларидан яна бири бу фирибгарликдир.

Маълумки, ушбу «соҳа»нинг жамики сиру асрорларини сув қилиб ичиб юборган «уддабурон» шахслар одатда ўз мўлжалларига олган мижозларига тан жароҳати етказмайдилар. Ёки уларни қўрқитиш, таҳқирлаш орқали ўз йўлларига солишга интилмайдилар. Аммо найрангбозларга хос шундай усул ва услублари мавжудки, уларга яқин борган соддадил кишилар албатта ёлғонларнинг гирдобига ғарқ бўладилар. Чунки фирибгарлар турли хил қуруқ ваъдалар ва важ-карсонлар билан айрим инсонларнинг ишончларини қозонадилар. Масалан, Юнусобод тумани, 8-мавзеида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган В.Альбина исмли фуқаро ҳам ўз уйида Гулистон мавзеси, 60-уйда истиқомат қилувчи таниши З.Агахоновани «Жанубий Корея давлатига ишга юбораман» деб алдаб, унинг 820.000 сўм пулларини осонгина қўлга киритган. Сўнгра эса ваъдасидан тонганича, пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

● Собир Раҳимов тумани, Тансиқбоев кўчасида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган А.Музробжон ва Юнусобод туманининг 7-мавзеида истиқомат қилувчи унинг ҳамтовоғи К.Яйра исмли фуқаролар ҳам эгри йўллар орқали яхшигина бойликка эга бўлиб олишни олдиларига мақсад қилдилар. Икковлон ўзаро тил бириктиришиб, Атоий кўчасида яшовчи фуқаро Ш.Якубованинг ишончини қозониб, уни «Туркияга ишлашга жўнатамиз» деб қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, 375 АҚШ долларлари ҳамда 80.000 сўм пулларини қуртдай санаб олиб, кўздан ғойиб бўлишган. Лекин «ёлғоннинг умри қисқа» деганларидек, уларнинг ҳозирда қилмишлари туфайли юзлари шувут бўлиб қолди. Жиноятга эса албатта жазо муқаррардир.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИБ Матбуот маркази инспектори.**

## ҚАЙНОНА - КЕЛИН

*Ҳикоя*

Зумрадхон ҳовлига кириши билан айвон четида хаёл суриб ўтирган қайнонасига кўзи тушиб юрак-бағри эзилиб кетди. Бечора онаизор озиб-тўзиб бир ҳолатда бўлиб қолди. Ботиржон ҳаёт чоғида қандоқ юрарди. Икки юзи нақш олмадай қип-қизил, тўладан келган, савлатли аёл эди. Шундоқ аёл чўкиб, бир бурда бўлиб қолди. Ҳа, ғам қурсин-а, ғам қурсин. Филни пашша қилар экан.

— Ҳа, аяжон, нима бўлди, жуда хомушсиз, — деди Зумрадхон ҳамон хаёл суриб ўтирган қайнонасига.

Зубайда хола чўчиб тушиб, ёқасига туфлаб қўйди.

— Келганингизни пайқамай қолибман болам, омон-эсон келдингизми?

— Мажлис чўзилиб кетди... Аяжон ўзингиз яхши ўтирибсизми? Гулруҳ чарчатиб қўймадими?

— Нега чарчатар экан... У менинг овунчоғим, кўзимнинг нури-ку.

— Ўзи қани, кўринмайди?

— Наргиза билан ўйнаб, чиқиб кетди.

— Нима гап, тинчликми, жуда ғамгин кўринасиз?

— Э, болам хаёл қурғур минг кўчага етаклади. Уҳ! Болам мен тамом бўлганман, руҳим қолган. Болагинам Ботиржон мени адо қилиб кетган. Тағинам Худо бандасини хўл қилиб яратган экан, агар қуруқ қилиб яратганда, мен аллақачон ёниб кетган бўлардим. Ботирим паҳлавон йигит эди. Ногаҳоний балойи-қазога учради. Уйдан ўйнаб-кулиб чиқиб кетган боламнинг кўчадан ўлиги келди. Мана, ўшангаям беш йил бўлди. Ёлғизим шу кунларда тез-тез тушимга кирадиган бўлиб қолди. Мениям ёнига олиб кетса керак. Қошки эди эртароқ олиб кетса. Бу алам-ситамлардан қутулиб, жоним ором оларди. Ўшангача сизни мўмин-қобил бир одамга топшириб кетсам дейман, болам.

— Аяжон, яна ўша гапми, — деди Зумрадхон йиғламоқдан бери бўлиб. — Турмушга чиқмайман дедимку, чиқмайман.

— Болам, ҳали ёшсиз, чиройлисиз, мени деб умрингизни хазон қилманг. Гапимга киринг. Мен сизга қайнона эмас — онаман. Зумрадхон ўйланиб қолди. Зубайда хола унинг бу ҳолатини бошқача маънога йўйди.

— Сизга совчи қўйиб юрган рассом йигит жуда яхши эмиш. Қайнсинглингиз маҳалласига ҳам, ишхонасига ҳам бориб суриштириб келди. Хотини бепушт экан. Ҳали сизнинг хабарингиз йўқ. Бугун ўша аёлнинг ўзи келиб-кетди. Жуда яхши жувон экан. Айб менда, эрим соғлом, яхши одам, Зумрадхонни бир амаллаб кўндириб қўйинг, деб тайинлаб кетди... Қолган гапларни кейин гаплашамиз. Бугун пайшанба. Ошнинг сабзи-пиёзини бостириб қўйганман, сиз дамланг болам. Мен номоз ўқиб, Қуръон тиловат қилиб чиқай...

Зубайда хола туриб уйга кириб кетди. Зумрадхон ошхона томонга ўтди.

... Зумрадхон ибодатни адо этиб чиққан қайнонасига салом берди. У алик олиб, дуо қилди. Шу пайт уч-тўртта лола кўтарган Гулруҳ «Боғимда гуллар чаман, мен гулларни севаман» деган қўшиқни куйлаб келди.

— Лолаларни қаердан олдинг, вуй бунча чиройли, — деди Зумрадхон қизчасининг у юзидан, бу юзидан тўйиб-тўйиб ўпиб.

— Наргизнинг адаси берди. Менинг адам ҳеч келмайдила... гул ҳам бермайдила, — деди қизча тугмачадек лабларини буриб.

— Хафа бўлма қизим, — деди ўпкаси тўлиб келган Зумрадхон қизчасининг бошини силаб. — Аданг узоққа кетганлар, сен катта қиз бўлганингда келадилар.

Зумрадхон шундай дедию сузук кўзларига қуйилиб келган алам ёшларини тия олмади, орқага ўгирилиб, унсиз энтикиб-энтикиб йиғлади, айрилиқ азобидан куйиб-ёниб йиғлади. Йиғининг зўридан оппоқ юзлари лоларанг бўлиб кетди, бодом қовоқлари янада бўртди. У йиғлаб турган чоғида ҳам гўзал ва жозибали эди. Буни кўриб Зубайда холанинг оналик меҳри янада товланиб кетди. Келинини бағрига босиб, у юзидан, бу юзидан ўпкиси келди. Кампир келинини яхши кўради. Уни еру кўкка ишонмайди. Лекин ҳали ёш, ўз тенги билан ўйнасин-кулсин, умри хазон бўлмасин дейди. Шу лобар, мунис-меҳрибон жувоннинг истиқболини, тақдирини ўйлайди. Шунинг учун унинг турмушга чиқишига рози эди. Ҳатто тенги чиқса зўрлаб бўлса ҳам узатиб юбормоқчи эди. Энди унақа қилмайди. Яхшиси ўзига қўйиб беради. Ўрни келиб қолса тағин бир-икки олдидан ўтади. Кўнса кўнгани, кўнмаса майли.. ўзи билади. Орадан уч кун ўтди. Мусаввир кетма-кет совчи юборишини қўймади. Бир куни Зумрадхон хизматидан энди келиб турган эди. Кетма-кет рассомнинг синглиси кирди. Уни кўриб Зумрадхон ўзини ичкарига урди. Кетидан қайнонаси кирди.

— Болам, нима деб жавоб қилай? — деди Зубайда хола паст овозда.

— Аяжон, ўша гапим гап, — деди Зумрадхон қатъий оҳангда. — Гап ҳам битта, юрак ҳам битта, Худо ҳам битта.

Зумрадхон шу чоғда қайнонасининг кўзига аввалгидан ҳам гўзалроқ, аввалгидан ҳам ақллироқ кўриниб кетди. Уйдан югуриб чиқиб, совчига келини нима деган бўлса шундоқ айтди. Совчи бўшашиб чиқиб кетди. У кетгандан кейин Зумрадхон ичкаридан жилмайиб чиқди. Зубайда хола келинини бағрига босиб йиғлаб юборди. Бу ҳам алам, ҳам қувонч ёшлари эди.

**Туроб АКБАРХЎЖАЕВ**

*Бўш вақтингизда*

## «Ш» ҲАРФЛИ БОШҚОТИРМА

**Ёйлар бўйича:** 1. Бирор нарсага гувоҳлик. 2. Юқори ҳароратда пиширилган ўтга чидамли лой ёки каолин. 3. Тоғли кавказликларнинг XIX асрдаги чоризм мустамлакачилари ва маҳаллий феодалларга қарши озодлик кураши раҳбари. 4. Нобель мукофотига сазовор бўлган рус ёзувчиси. 5. Какао уруғи қўшиб тайёрланадиган ширинлик. 6. Соҳибқирон Амир Темур топшириғи билан «Зафарнома» асарини ёзиб қолдирган тарихнавис. 7. Майда оқиш баргли, кўп йиллик ёввойи ўсимлик. 8. Таниқли немис автопойгачиси. 9. «Қасос» кўп қисмли қисса муаллифи, ўзбек ёзувчиси. 10. Табиат ҳодисаси. 11. Таъми нордон шифобахш хўл мева. 12. Пойтахтимиздаги темир йўл вокзалларидан бири. 13. Уй жиҳози, мебель. 14. Бинокорликда деворнинг тиклик ҳолатини аниқлаш асбоби. 15. Жанубий Месопотамиядаги қадимий ўлка. 16. Даволовчи мутахассис. 17. Геохимик олим. 18. Атоқли поляк бастакори ва пианиночиси. 19. Паллали тарози мосламаси. 20. Наф, фойда. 21. Сабзавотдан тайёрланган егулик. 22. Қонуншунослик, мантиқ соҳаларига оид асарлар ёзиб қолдирган тошкентлик ўрта аср алломаси. 23. Хоразм вилояти тумани. 24. Юпқа нарса.



## МУАММОНОМА

**Очқич сўзлар:** 1. Давлат томонидан белгиланиб, қўриқланадиган фуқароларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қонунлар мажмуи — 12, 4, 2, 4, 2.

2. Ип йигириш асбоби — 15, 8, 9, 5.

3. Палак отиб ўсувчи ўсимлик — 14, 11, 1, 3, 16.

4. Оҳак тошли ёзув ашёси — 10, 17, 9.

5. Кучли йиртқич — 6, 7, 9.

6. Парранда ошёни — 3, 13.

Энди шакл атрофидаги рақамларда яширинган сўзларни очқич жавоблари асосида топиш билан муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан XVIII асрда яшаб ўтган ўзбек шоири Толиб Толибий ёзиб қолдирган ҳикматлардан бири аён бўлади.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 6 февраль сонида берилган «Ҳикматлар» муаммономасининг жавоблари:**

Очқич сўзлар: 1. Саодат. 2. Ганжи. 3. Меҳнат. 4. Кўнгил. 5. Тавр. 6. Эҳсон 7. Шитоб. 8. Паст. 9. Иззат. 10. Тушкай.

Ҳикматлар:

**Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,**
**Эрур одам аҳли аро аржуманд.**
**Битиклик келди ҳимматидин нишона,**
**Ки ҳимматсизни паст этди замона.**

**Алишер НАВОИЙ**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-307.

1 3456